



## “ХАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ” ФАНИНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Хусанова Сумбул Исламовна**

*Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси  
хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти н.ф.д., профессор*

**Ражабов Лазиз Чориевич**

*Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги  
Академияси хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти магистранти*

**Аннотация:** Мақолада олий таълим муассасаларида “Хаётий фаолият хавфсизлиги” фанининг ўрни, унинг амалий аҳамияти ва мавжуд муаммолар таҳлили ёритилган. “Хаётий фаолият хавфсизлиги” фан дастурларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, бунда изчиллик ва узвийлик, узлуксизлик, оддийдан мураккабга тамойилларига таяниш, талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини орттириш ва таълим самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** фавқулодда вазият, талаба, таълим жараёни, ҳаётий фаолият хавфсизлиги, ўқув дастурлар, табиий ва техноген хавфлар, такомиллаштириш.

**Аннотация:** В статье описывается роль предмета “Безопасность жизнедеятельности” в высших учебных заведениях, ее практическое значение и анализ существующих проблем. Приведено совершенствование учебных программ безопасности жизнедеятельности на основе современных требований, в том числе опираясь на принципы системности и последовательности, преемственности, от простого к сложному, развития интереса учащихся к предмету и повышения эффективности обучения.

**Ключевые слова:** чрезвычайная ситуация, студент, учебный процесс, учебные программы, природные и техногенные опасности, безопасность жизнедеятельности, совершенствование.

Мамлакатимиз давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, хавфсизликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ривожланишга эришишдан иборатdir. Бу эса фавқулодда вазиятларни олдиндан аниқлаш ва аҳолини бу хавфдан огоҳлантириш борасида самарали тадбирлар ўtkазиш, фавқулодда вазият рўй берганда тезкор ҳаракат қилиш, инсонларнинг қурбон бўлишига йўл қўймаслик, иқтисодий зарар кам бўлиши ва хавфсизликни ўз вақтида таъминлашни тақозо этади.

Статистик таҳлилларга кўра, охирги йилларда жаҳонда ва Ўзбекистон ҳудудида фавқулодда вазиятлар содир бўлишининг ошиб бораётганлигини кузатяпмиз.



Дунёнинг турли мамлакатларидаги йирик масштабдаги табиий оғатлар ва ҳалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш тажрибасидан келиб чиқиб айтиш керак-ки, уларнинг оқибатларини юмшатишнинг ягона ечими – фуқароларнинг тайёргарлигини оширишdir. Буларнинг барчаси кундалик кўнгилсиз ҳодисаларга ҳам тегишлидир [6].

Сўнгги йилларда дунёда жуда кўплаб ўзгаришлар юз берди. Юқори технологияли ишлаб чиқаришни жорий этиш, фанлараро алоқаларни кенгайтириш ва профессионал қизиқишиларни ўзгартириш амалга оширилди. Буларнинг барчаси фаол ижтимоий ва қасбий маъенини намоён эта оладиган, турли ҳаётий вазиятларга мослаша оладиган янги мутахассисларни тайёрлашни талаб этади. Айнан таълим одамларга содир бўлган ўзгаришларга мослашишга ва янги тизимида ўзларини муваффақиятли рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш соҳасида малакали қадрлар тайёрлаш, фуқароларни бундай вазиятлар рўй берганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, хавфли табиий жараёнлар кучайиши билан боғлиқ мавжуд хатарлар, шунингдек, техноген авария ва ҳалокатлар хавфи тўғрисида ўз вақтида ва аниқ хабардор қилиш тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конунида: “Аҳолини мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида, ишлаб чиқаришда ҳамда яшаш жойида фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш умумий ва мажбурийдир” [1], - деб таъкидланганлиги, Тараққиёт стратегиясида “атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган... фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш” [2], масаласининг қўйилганлиги таълим жараёнида “Ҳаётий фаолият хавфсизлигини”ни фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш эҳтиёжини юзага келтирди.

Ҳозирги кунда жамиятимизнинг барча соҳаларида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги, мамлакатимизда фуқaro муҳофазасини таъминлаш, аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, хорижий мамлакатлар тажрибасини амалда қўллай олиш бўйича билим ва кўникмаларни ўрганишни тақазо этмоқда.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш соҳасида ўқитишнинг илғор хориж мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, амалий кузатишлар ва таҳлиллар ўтказиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж ва зарурият долзарб аҳамиятга эга.



Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига қўтариш, келажак учун баркамол авлодни тарбиялаш ишлари Давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Таълим тизимини такомиллаштириш борасида, “Таълим тўғрисида” ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепцияси ҳам таълим тизими олдига жуда катта вазифа ва масъулиятни юклади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли қарорининг 4-банди билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишган ҳолда ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва фуқаро муҳофazasi йўналишларидағи ўқув дастурларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш [4] ва таълим жараёнига жорий этилишини таъминлаш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаёти ва соғлигини инсон фаолиятининг барча соҳаларида муҳофазалашда “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” фани асосий ўринлардан бирини эгаллади.

Ушбу фан ўзида Республикаиздаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар натижалари, ишлаб чиқариш ва ҳудудий хавфсизлик муаммоларининг инсон ҳаёти хавфсизлигига таъсири масалаларини қамраб олади. Ҳозирги вазиятда хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Чунки техносферада ишлаб чиқариш жараёни бузилиши, ишловчилар учун санитария ва гигиена меъёр ва қоидаларини яратилмаслиги, муҳит ривожланишдаги нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви, давлатлар ўртасида инсоният ҳаётига хавф-хатар солувчи ҳолатларнинг рўй бериши, инсоният томонидан қўлланилаётган турли заҳарли ва заарли моддалар ва воситалар кўплаб хавфларни юзага келтириб, инсонларнинг ҳаётий фаолиятига, соғлиғига, атроф-муҳит тозалигига ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига таҳдид солмоқда. Шу сабабли ҳам мамлакатимизнинг энг муҳим ва кечикириб бўлмайдиган вазифалари қаторида аҳоли ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари долзарб ўрин олган.



“Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” фанини ўқитишдан мақсад - талабаларга ҳаётий фаолиятларида юзага келадиган хавфларнинг келиб чиқиш сабабларини, хусусиятларини, оқибатларини прогнозлаш ва уларнинг олдини олиш қоидаларини ўргатиш, хавфсиз иш шароитларини яратиш, назарий ва амалий жиҳатдан ҳимояланишга ҳамда жароҳатланганларга бирламчи ёрдам кўрсатиш қоидаларини ўргатишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўнималар, ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашувини ҳамда илмий дунёқарашини ривожлантириш вазифаларини бажаради.

Олий таълим муассасаларида амалдаги “Ҳаётий фаолияти хавфсизлиги” фани ўқув дастури тўрт бўлимни қамраб олиши белгилаб қўйилган:

- ҳаётий фаолият хавфсизлигининг назарий асослари;
- фуқаро муҳофазаси;
- ёнғин хавфсизлиги;
- биринчи тиббий ёрдам асослари.

“Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” фани ўқув дастурларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ва таълим жараёнига жорий этилишини таъминлаш вазифалари белгиланиши билан бир қаторда, бугунги кунда мазкур фанни ўқитишда юзага келаётган муаммоларни қуидагича изоҳлаш мумкин:

-амалдаги ўқув режаларида “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” фани турли соатлардан иборат, қолаверса айрим олий таълим муассасалари ўзлари учун алоҳида фан дастурларини ишлаб чиқкан;

-бакалаврлар учун “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” мутахассислик йўналишларига ўтиладиган “Йўналишга кириш”, “Меҳнат муҳофазаси”, “Авария-қутқарув ишлари”, “Фавқулодда вазиятлар ва аҳоли муҳофазаси” фанлари таркибида мавзуларнинг тақрорланиб келиши ҳолати мавжудлиги сабабли “Фан дастурлари”ни ўзаро мувофиқлаштириш зарурияти мавжуд;

-“Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” фанини бошқа фанлар билан жумладан экология, гигиена, юриспруденция, тиббиёт, жисмоний тарбия, ҳарбий соҳа кабилар билан яқин интеграциялашувида баъзи бир ноаниқликлар ва камчиликлар мавжуд.

Бугунги кунда фавқулодда вазиятлар таҳликаси қучайиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда фан дастурларини инсон фаолиятида вужудга келувчи барча хавфлар, хавфлар майдонидаги хавфсизлигини таъминлаш масалаларига қаратилган мавзулар асосида ишлаб чиқишида таълимнинг изчилиги тамойилларидан оғишиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Масалан: “Фавқулодда вазиятлар ва аҳоли муҳофазаси” фан дастурининг 1-модули “Фавқулодда вазиятларда аҳоли ва ҳудудлар муҳофазаси” деб номланган бўлиб, модул таркибидаги 3-маъзуза мавзуси “Фавқулодда вазиятларнинг таснифи ва тавсифи. Аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш тартиби” деб номланган ўқув дастурининг 3-модули “Табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар ва



уларнининг оқибатлари” деб номланган бўлиб, модулдаги 1-мавзуу “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7-октябдаги ““Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сон Қарорнинг моҳияти деб номланади. Ҳар икки маъруза машғулоти шу ўринда айнан такрорланади. Бундай такрорланишлар билимларни янада бойитувчи материаллар асосида мустаҳкамлаш, такомиллаштиришга тўсқинлик қиласди.

Модуллар ва мавзулар танланганда муайян изчиллик ва узвийлик ва узлуксизлик, оддийдан-мураккабга ривожланиб боришида ноаниқликлар мавжуд. Масалан: “Фавқулодда вазиятлар ва аҳоли муҳофазаси” фан дастурининг 2-модули “ФВДТ органларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолияти” деб номланади ва бунда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими, унинг куч ва воситалари, давлат тизимининг фаолият режимлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ФВДТда тутган ўрни бўйича маъруза машғулотларини қамраб олади [5]. Ундан кейинги “Табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар ва уларнинг оқибатлари” деб номланган 3-модулда геологик, гидрометериологик, эпидемия, эпизоотия каби фавқулодда вазиятлар ёритилади натижада яна такрорланади. Яъни аввал фавқулодда вазиятда ишлайдиган тизим, сўнгра фавқулодда вазият ўзи нима эканлиги ёритилиши назарда тутилган.

Бу ўз навбатида билим ва қўникмаларни ўзлаштиришда талабаларнинг зўриқишига олиб келади, ўзлаштириш қийинлашади. Билимларни ўзлаштиришда қийинчиликларнинг юзага келиши ва бу қийинчиликларнинг доимий равишда кузатилиши талабаларда фанга нисбатан қизиқишини сусайтиради.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаро муҳофазасига оид қатор Қонун ва қарорларида жамиятга ёрдам кўрсатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқаролик нуқтаи назарини, ўзини ўзи ташкил этишни, ижтимоий масъулият, бирдамлик, ўзаро ёрдам бериш масалаларини белгилашда аниқ механизмлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу механизmlарнинг фан дастурларида асосий негизини очиб берилишига эришиш етарлича ташкил этилмаслиги натижасида тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига тўлиқ жавоб бермаслигига сабаб бўлади.

“Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” фанини ўқитишининг ўзига хос хусусиятларини, замонавий долзарб муаммоларни, атроф муҳит билан инсоннинг барча соҳаларни ўрганиб, ҳисобга олган ҳолда, ўқув жараёнини ташкил этиш зарурлигини белгилайди. Республикамиз Олий ўқув юртларида ушбу фаннинг ишчи дастурларида атроф-муҳитнинг салбий омилларининг хусусиятларини ўрганиш, уларнинг идентификацияси ва таъсир даражасини баҳолаш, инсон ҳаёти ва соғлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни



урганишни қамраб олиш орқали соҳа йўналишини ривожлантиришга эришиш мумкин.

Бу ўз навбатида олий таълим муассасаларида талабалар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг педагогик асосларини аниқлаш, назарий жиҳатдан асослаш ҳамда уларнинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиш, дарсликлар яратиш каби масъулият юклайди, илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатишни.., ...ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизимини яратишни..., олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз [3].

### АДАБИЁТЛАР:

1.Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августрдаги ЎРҚ-790-сон “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 25-модда.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й.,

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. [www.president.uz](http://www.president.uz)

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги 754-сон “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.

5.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 5640100 -Ҳаётий фаолият хавфсизлиги таълим йўналиши 2019 -2020 ўқув йиллари учун ўқув режаси.

6.Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали. Узинфоком. <https://data/gov.uz>



## АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МУҲОКАМА

71-мақсад. Тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўриш.

**79-мақсад: Аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш.**

**80-мақсад: Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш.**

Жаҳон таълими амалиётида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, зарарли оқибатларини камайтириш, хавфли вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш чораларини мақсадли ва манзилли қўллашга айниқса, алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолида табиий ва техноген турдаги фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга доир ҳаёт хавфсизлиги кўникмаларини ривожлантиришга ҳозирги таҳликали замонда ижтимоий зарурат сифатида ёндашилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Барқарор ривожланиш кун тартиби”да жаҳон миқёсида инсонларнинг бехатар яшаш даражасини таъминлаш чоралари белгилаб берилганлиги [4], таълим мазмунига ҳаётда узлуксиз равища хавфсиз яшашга ўргатишга йўналтирилган мавзуларни сингдиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида: “Аҳолини мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида, ишлаб чиқаришда ҳамда яшаш жойида фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш умумий ва мажбурийдир” [1], - деб таъкидланганлиги, Тараққиёт стратегиясида «атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган... фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш» [2], масаласининг қўйилганлиги таълим жараёнида “Ҳаётий фаолият хавфсизлигини”ни ўқитиш механизmlарини такомиллаштириш эҳтиёжини юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”,

Президентимиз томонидан илгари сурилган, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унда белгиланган ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини



такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арzon уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш биз олий таълим профессор-ўқитувчилари олдига улкан вазифаларни қўяди.

**Кириш:** Инсон ва табиат орасидаги муносабатлар ўзининг тарихийлигига эга. Табиатда содир бўладиган ҳодисалар ҳар доим инсоният ҳаётига хавф солиб келган, инсон эса бу хавф-хатарлардан ҳимояланишга ҳаракат қилган.

Сўнгги ўн йилликда шахс ва умуман жамият ҳаётининг хавфсизлиги муаммоси тобора долзарблашиб бормоқда. Айниқса, трансчегаравий фавқулодда вазиятлар, хавфли вирусли (COVID-19 коронавирус инфекцияси) касалликлар бутун дунёга таҳдид солмоқда ва аҳолининг турмуш тарзини издан чиқариш тенденциялари кузатилмоқда. Содир бўлган фавқулодда вазиятлар юз минглаб инсонларни ҳаётдан олиб кетди.

Статистик таҳдилларга кўра, республикамиз ҳудудида ҳам охирги икки йил давомида фавқулодда вазиятлар содир бўлишининг ошиб бораётганлигини кузатяпмиз. Масалан: Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларнинг 2018 йилнинг август ойидан 2019 йилнинг сентябрь ойигача бир йиллик кўрсаткичини кўрадиган бўлсак, содир бўлган фавқулодда вазиятлар сони 2018 йилда 52 та фавқулодда вазият содир бўлган бўлса, 2019 йил бу кўрсаткич 54 та фавқулодда вазиятга яъни, ўтган йилга нисбатан 3,7% ошган. Республикаизда 2019 йилда содир бўлган табиий тусдаги фавқулодда вазиятлардан кўрилган моддий зарап 1,498 млрд. сўмни ташкил этган. Бу табиий фавулодда вазиятлар асосан, республикамизнинг тоғли вилоятларида (Тошкент, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах) эрта баҳорда сел келиши, сув тошқинлари ва тоғ кўчкиларидан иборат бўлган [18].

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг қўпайганлиги ҳам алоҳида эътибор талаб этади. Ўрганилган йил давомида техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳалок бўлган сони 258тани ташкил этган, шулардан:

Йўл транспорт ҳодисаларида -176 та;

Ёнфинларда – 43та;

Сувда чўкиш инсон ўлими билан боғлиқ- 25та;

Портлашларда -5 та;

Темир йўл ўтиш тунелларида ва кўприклардаги транспорт аварияларда - 5та;

Биноларни конструкциялари ва иншоотларининг тўсатдан қулаши оқибатида - 4 та;

Бу техноген фавқулодда вазиятларда 257 нафар инсон жабрланган ва мамлакат иқтисодиётига етказилган зарап 9,589 млрд. сўмни ташкил этган.



Охирги беш йилда содир бўлган техноген фавқулодда вазиятлардан биргина ёнғин-портлашни таҳлил этганда қуидагиларни кўришимиз мумкин: Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 116 маротаба ёнғин, портлаш, чақнаш билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлган, натижада 130 нафар инсон ҳалок бўлган, 277 нафари жабрланган бунинг натижасида моддий зарар 17 млрд. сўмга яқинни ташкил этган.

2019 йилда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида иш вақтида содир бўлган баҳтсиз ҳодисалар оқибатида эса 199 киши ҳаётдан кўз юмган. Жами 574та баҳтсиз ҳодисада 440 киши оғир ва 10 нафари енгил тан жароҳати олган [19].

Содир бўлган баҳтсиз ҳодиса, фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қиласиган бўлсак, уларнинг 80%га яқини инсон фаолияти билан боғлиқ эканлигини гувоҳи бўламиз. Фавқулодда вазиятларда қурбон бўлганларнинг 40% дан ортиғи табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар шароитига тўғри баҳо бера олмаслиги, айниқса мазкур шароитда тўғри ҳаракат қилиш йўлларини топа олмаслиги оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда.

Айни пайтда хавфсизлик масалаларини ҳал қилиш инсон омилини инобатга олинмасдан амалга оширилиши мумкин эмас. Шу боис, ҳар бир инсоннинг хавфсиз хатти-ҳаракати ва тайёргарлик даражасини ривожлантириш фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий оқибатларини камайтиришнинг ҳал қилувчи омиллари ҳисобланади. Шунингдек, инсон ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш жараёнида инсон омилини инобатга олмаган ҳолда, аҳолининг билим ва малакасини шакллантиришга эришиш мумкин эмас.

Инсонларнинг, умуман, жамиятнинг барча фазилатлари ва хусусиятларини комплекс ривожлантириш фақат ҳаёт фаолияти хавфсизлик маданиятини шакллантириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ушбу соҳада хорижий олимлар томонидан бир қатор илмий ишлар олиб борилган. Масалан Россиялик олим С.В. Вязовкин бўлажак ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқитувчиларини касбий тайёрлашнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини тадбиқ этди [26].

А.А.Кудрин педагогика университетларида ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг бўлажак мутахассислари учун касбий-педагогик маданиятни шакллантириш буйича илмий амалий тавсиялар ишлаб чиқди [31].

А.О. Хренников Техника университетида йўл ҳаракатини бошқариш ва хавфсизлик соҳасидаги мутахассисларни касбий тайёрлаш технологиясини лойиҳалаш юзасидан олиб борган тадқиқотларида хавфсизлик маданияти тамойилларини ишлаб чиқди [22].

А.С.Запесоцкий гуманитар таълим ва маънавий хавфсизлик муаммолари ўртасидаги муносабатни ўрганиб, очиб берган.



Л.Ф. Колесников, В.Н. Турченко таълим хавфсизлиги масалаларини миллий хавфсизлик манфаатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқди.

Г.А.Попова бакалавриат таълим йўналишларининг педагогик ва гуманитар йўналишлари талабалари учун "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" фанинни ўргатишида услубий ёндашувларни аудитория маъруза соатларининг қисқартириш ва мустақил иш соатларин кўпайтиришни назарда тутган ҳолда кўриб чиқган булса, П.В. Родионов талабаларнинг кўнгилли ташкилотларга йўналтириш фаолияти методикасини ишлаб чиқди.

Т.С.Назарова, Б.С.Шаповаленко "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" курсининг назарий масалаларини очиб берди ва хавфсизлик асосларини ўрганди. И.А. Баева таълим соҳасида психологик хавфсизлик муаммосини ўрганиб чиқди. Г.А. Геллер таълим соҳасидаги талабаларнинг шахсий хавфсизлиги муаммосини очиб берди. Л.А. Михайлов ҳаёт хавфсизлиги асослари ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини ўрганиб чиқди.

П.И. Кайгородов "Ҳаёт хавфсизлиги маданиятининг асослари" интеграл курсини ишлаб чиқиш воситаларини тасдиқлади. Б. Мишин, В. Сапронов, А. Смирнов, Л. Шершневлар томонидан "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" курсининг концепциясини ишлаб чиқди.

В.И. Устинов, Б.Е.Устинов, В.В. Попадейкинлар жамоат хавфсизлиги маданиятини тарбиялаш муаммоларини таҳлил қилдилар. Н.П. Абаскарова хавфсизлик омили сифатида соғлом турмуш тарзини шакллантириш муаммосини ўрганиб чиқди. И. Анюгин, Р. Дурнев, В. Сломянский, Е. Таминкина, М. Фахрутдиновлар томонидан фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги таълим технологиялари кўриб чиқилди. В. Казаков "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" дарсларида ролли ўйинлардан фойдаланган ҳолда хавфсиз турнинг шаклланишини кўриб чиқди. И.Н. Немкова олий ўқув юртлари талабалари хавфсизлик маданиятини шакллантириш муаммосини ўрганиб чиқди.

Шунингдек, маҳаллий олимларимиздан:

С.И.Хусanova ўқувчиларнинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганади. Тадқиқотдан мақсад - мактаб шароитида ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш тизимини жорий этиш ҳисобланади.

Н.Ш.Маннапова педагогика олий таълим муассасалари талабаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мотивациясини такомиллаштириш механизмини ишлаб чиқади.

Г.Қ.Мардиева педагогика олий таълим муассасаси талабаларини ҳаёт фаолиятини ижтимоий мослаштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боради.

Л.Т. Шоносированинг илмий тадқиқотида мактабгача ёшдаги болаларда экологик дунёқарашни шакллантириш масалалари тадқиқ этилган. М.А.



Юлдашев, М.М. Абдуллаева, Н.Ашуроваларнинг илмий тадқиқотларида бошланғич синф ўқувчиларида экологик билимни шакллантириш, П.С.Султонов ва Б.П.Аҳмедовлар томонидан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асосларига оид масалалар тадқиқ этилган.

Н.Ш.Бозорова талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий педагогик асосларини ўрганади.

Кўриниб турибдики, маҳаллий олимларларимиз олиб борган илмий ишлари кўпроқ экологик маданиятини шакллантириш масалалари билан боғлиқ ва илмий доираларда экологик маданият масаласининг педагогик аспектлари маълум даражада ўрганилган.

Республикада саноқли олимларимизгина ҳаёт хавфсизлигини таъминлашнинг педагогик шарт-шароитларини тадқиқ этганлар. Шу боисдан хам олий таълим муассасаларида талабалар ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини таъминлашнинг педагогик асосларини аниқлаш, назарий жихатдан исботлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Талабаларнинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиши, дарсликлар яратиш каби масъулият юклайди, илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Аҳолини хавфли ва фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга тайёрлаш жараёнида талабаларда хавфсизлик маданиятини шакллантириш учун таълим тизимининг аҳамиятини англаған ҳолда,

- талабалар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш кўникмасини ривожлантириш тизимини аниқлаштириш;

- талабалар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш кўникмасини ривожлантириш тизимининг мазмуни, шакли, восита ва методлари белгилаб олиш ва ривожлантириш;

- талабалар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш кўникмасини ривожлантириш тизимининг педагогик шарт-шароитлари ўрганиш ва такомиллаштириш;

- талабалар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш кўникмасини ривожлантириш тизимига йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиши долзарб педагогик муаммо эканлигини қўришимиз керак бўлади.

Барча таълим муассасалари ўртасида хавфсизлик маданиятини яратишни таъминлаш бу ўз навбатида хукуқбузарлик, шикастланиш, касбий касалликларнинг олдини олишнинг ажралмас қисми булиб ҳисобланади.

Шунинг билан биргаликда, тинчлик ва уруш давридаги фавқулодда шароитларда аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, бирорта мамлакат йирик кўламдаги табиий оғатлар ва техноген ҳалокатларда аҳоли ва худудларнинг тезкор муҳофазасини таъминлаш, етарли миқдорда малакали қутқарув тузилмаларни ташкил этиш тизимини яратиш ва уни тўлиқ жанговар ҳолатда ушлаб туриш имкониятига эга



эмас. Дунёнинг турли мамлакатларидағи йирик масштабдаги табиий оғатлар ва ҳалокатларнинг (зилзила, цунами, сув тошқини ва ҳ.к.) оқибатларини бартараф этиш тажрибасидан келиб чиқиб айтиш керак-ки, уларнинг оқибатларини юмшатишнинг ягона ечими – фуқароларнинг тайёргарлигини оширишdir. Буларнинг барчаси кундалик фавқулодда ҳодисаларга ҳам тегишлидир[13].

Жабрланганлар сонини камайтиришнинг асосий йўлларидан бири аҳолининг барча тоифаларини шу жумладан ёшларни фавқулодда вазиятлар шароитида тўғри ҳаракатланишга ўргатишдан иборатdir. Фикримизча бундай тайёргарлик доимий, мунтазам, узулуksиз тарзда оиласда, маҳаллаларда, мактабгача таълим муассасаларида, умумий ўрта таълим мактабларида ва академик лицей, коллежларда, олий таълим муассасаларида хавфсизлик маданиятини ривожлантириш орқали амалга оширилмоғи даркор.

Шу ўринда ушбу масалалар бўйича олий таълим тизимини қамраб олиш даражасини, мавжуд имкониятларимизни, таянишимиз мумкин бўлган куч ва салоҳиятга эътибор қаратмоқчиман.

Маълумки, бугунги кунда республикада 114 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди.

Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони бакалавриат таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахassisлиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги 3 йилда 1,7 бараварга ошди.

Талабаларнинг 54,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 25,2 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 5,2 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва хуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 4,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 4,5 фоизи хизмат қўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари ва мутахassisлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

Магистратура талабаларининг 40,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 23,3 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 13,3 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва хуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 13,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 3,2 фоизи хизмат қўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

Шунинг билан биргаликда, 2030 йилгача олий таълим соҳасида аҳолини олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш белгиланган [8].

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида инсоннинг ҳаёти давомида содир бўладиган турли хусусиятли хавфлар, фавқулодда вазиятларни олдини олиш, улар юзага келганда ўзини муҳофаза қилиш, ҳаракатланиш ва оқибатларини бартараф этиш йўлларини ўрганишга қаратилган “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши ҳамда фани киритилган [20].



Айнан “Хаётий фаолият хавфсизлиги” фани хавфсизлик масалаларини такомиллаштиришнинг асосий бўғини ҳисобланмоғи керак. Яъни, республикамиз Олий ўқув юртларида ушбу фаннинг ишчи дастурлари атроф-муҳитнинг салбий омилларининг хусусиятларини ўрганиш, уларнинг идентификацияси ва салбий таъсир даражасини баҳолаш, инсон ҳаёти ва соғлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганишни тўлақонли қамраб олиши лозим.

Бунинг учун эса айни пайтда, ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашда ўз ечимини кутаётган қуидаги масалаларга эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади:

Биринчидан, ҳаётий фаолиятни таъминлаш чегараларида инсон яшashi учун зарур бўлган мезонларнинг қўллаб қувватланиши лозимлиги. Жумладан, инсон ва жамият учун муайян хавф-хатар вужудга келганда аҳолини огоҳлантириш, олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш орқали тавакалчилик даражасини камайтириш ҳамда ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш.

Иккинчидан, аҳолини барча турдаги энергия ресурслари (электр энергияси, газ, нефть маҳсулотлари, кўмир, сув кабилар) билан таъминлаш масаласи. Инсоннинг ҳаёт фаолияти хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири сифатида энергия инқироози бугунги кунда ҳар қандай давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашда долзарб муаммолардан саналади.

Учинчидан, аҳолининг ҳаётий моддий эҳтиёжларининг барча зарур меъёр ва мезонлари билан таъминлаш устивор вазифадир. Айни пайтда, турли давлатларда аҳоли учун тураг жойларнинг, жамоат транспорти, тиббий муассасалар ва ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш тизимининг бошқа элементлари сонининг етарли эмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Тўртинчидан ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашнинг устивор йўналишларидан бири, физиологик асоси – бу шубҳасиз, аҳолини озиқ –овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади. Аҳоли сонининг ошиб бориши билан ушбу муаммонинг долзарблиги янада ошади, агарда инсоният озиқ – овқат маҳсулотларини етиштиришнинг янгидан – янги истиқболли технологияларини ишлаб чиқмас ҳамда унга ўз вақтида мослашмас экан, у ҳолда глобал доирада хавфли ҳолат вужудга келиши мумкин.

Бешинчидан ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, уни ифлосланишдан муҳофаза қилиш масаласи. Бу борада айни пайтда саноат ва майший корхоналар ҳамда улардан чиқаётган чиқиндиларнинг ичимлик сувидан фойдаланиш тизимига салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик масаласи инобатга олиниши керак.

Олтинчидан ишлаб чиқариш чиқиндиларини бартараф этиш, қайта ишлаш ёки улардан фойдаланиш жараёнларининг ҳаётий фаолият хавфсизлигини



таъминлаш билан узвий боғлиқлигидир. Ушбу жараён айниқса атом энергетикаси, кимёвий – биологик ишлаб чиқаришичиқиндилари миқдорининг йилдан –йилга ўсиб бориши бу ўз набатида инсон ва ҳаёти, соғлиги учун потенциал хавф – хатарларнинг ошиб боришига олиб келиши инобатга олинниши зарур.

Ҳаётий фаолият хавфсизлигини такомиллаштириш масаласи комплекс характерга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, тан олиб айтишимиз керакки, соҳада инновацион ёндашув, илмий изланишлар, замонавий технологияларни яратиш эътироф этадиган даражада эмаслиги айни ҳақиқатdir.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Халқимиз дунёқарашида инновацион муҳитни яратиш энг муҳим вазифаларимиздандир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Соҳадаги ўзгаришларни ҳалқимизга кенг тарғиб қилмасак, бугунги давр шиддати, фан техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз” [9].

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг 25 сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган “2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Барқарор ривожланиш дастури”да фуқароларнинг ҳаётий фаолияти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар, хусусан илм – фан ва таълимни ривожлантириш, келгуси ёш авлод учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар қолдириш билан боғлиқ устивор вазифалар белгилаб олинди [15].

Сўнгги йилларда соҳада илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий – педагогик кадрлар тайёрлаш қўламини кенгайтириш мақсадида қатор меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Яъни:

- 2020-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”;

- Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тизимини янада такомиллаштириш комплекс чора-тадбирлар дастури;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли қарори шулар жумласидандир.

Юқоридаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси соҳасидаги илмий- тадқиқот ишларининг устивор йўналишлари белгилаб олинган бўлиб, уларнинг айримларини келтириб ўтиш ўринлидир.



1. Фавқулодда вазиятларни келтириб чиқарувчи хавфли табиий ҳодисалар ва техноген жараёнларни мониторинг ва башорат қилишининг ягона услубини ҳамда илмий асосини ишлаб чиқиш.

2. Зилзила, сел оқимлари, сув тошқинлари, кўчки ҳодисалари, йирик гидроиншоотлар авариялари билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда аҳоли ва худудларни муҳофаза қилиши масалалари

3. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимида кадрлар тайёрлаш, аҳолини юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлашнинг илмий асосларини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Биргина республикамиз олий таълим муассасаларида – “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” мутахассислиги бўйича бакалавр даражасига эга олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашни масаласини оладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли қарорининг 4-банди билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги **Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишган ҳолда ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва фуқаро муҳофazasi йўналишларидағи ўқув дастурларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ва 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига жорий этилишини таъминлаш масалалари юклатилди.**

### Хуноса

Демак-ки, олий ўқув юртларида “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” фанининг мақсади талабаларда хавфсизлик маданиятини шакллантириш ва такомиллаштириш экан бу вазифаларни олиб борилишини бугунги замон талаблари доирасида кўриб чиқишимиз керак.

Талабаларда хавфсизлик маданиятини ривожлантиришнинг қуйидаги мақсад ва вазифаларини алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади:

- таълим муассасаларида баҳтсиз ҳодисалар сонини камайтириш;
- хавфсизлик ва меҳнатни муҳофаза қилишга бўлган қизиқиши мунтазам таъминлаш;
- хавфсизликка онгли равища муносабат билдириш;
- янги хавфсизлик воситаларини оммалаштириш;
- ўқув жараёнига замонавий меҳнат муҳити ва хавфсизлик воситаларини жорий этиш;
- ҳар бир иш жойида соғлом ва хавфсиз меҳнат ва ўқув шароитларини яратиш.



“Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” фани барча йўналишларда - ижтимоий, сиёсий, маданий, иқтисодий, жиноий ва бошқаларда хавфсизликни таъминлаш учун жамиятнинг эҳтиёжларини ўрганишга қаратилган бўлиши керак.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

### Меъёрий-хукукий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, 1999 й.
2. Ўзбекистон Республика Қонуни “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”, 2000 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни. Тошкент 1993 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Таълим тўғрисида” 2020 йил 7 август
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1-июндаги ПФ-5066-сон “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрь кунидаги “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими тўғрисида”ги 558-сонли қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табриги 30.09.2018 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7-октябдаги “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сон Қарори.

### Асосий адабиётлар:

11. Мамадбоев Ш.Б. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг таълим жараёнида бугунги кундаги муаммолари ва уларнинг ечимлари” “Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар” мавзусидаги II-республика ёш олимлар илмий-амалий анжумани материаллар туплами. Ўзбекистон республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси. Т.:295 б.



12. Нарматов Н.С. “Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологияларнинг аҳамияти” Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар” мавзусидаги ёш олимларнинг І-республика илмий – амалий анжумани материаллари тўплами. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХИ. Т.:2017. 4 б.

13. Назарова Н.Н “Талабаларда хавфсизлик маданиятини шакллантиришда “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” фанининг роли”/ Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика Университети. “Таълим муассасаларида турли тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланишда фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ўрни” мавзусида кўргазмали амалий семинар туплами. Т.:2019. 35-39 б.

14. Назарова Н.Н. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналишидаги фандастурларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш”/ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси. “Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар” ІІ-республика ёш олимлар илмий-амалий анжумани материаллар тўплами. Т.:2020. 13 марта, 32-38 б.

15. Расулов. О.Б. Замонавий электрон дарсликларнинг дидактик хусусиятлари // Касб-хунар таълими, №5 2005. 23 б.

16. Раззоқов Р.С. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг тамойиллари.” Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар”. ІІ-республика ёш олимлар илмий-амалий анжумани материаллар тўплами. Ўзбекистон республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси. Т.: 2020. 54 б.

17. Сураймонов С.С. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналишида талабаларни замонавий талаб даражасида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари”/ “Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар”. ІІ-республика ёш олимлар илмий-амалий анжумани материаллар тўплами. Ўзбекистон республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси. Т.: 2020.75-78 б.

18. Тојiev, M. X. Ne'matov, I. Ilxamov, M. X. “Xayot faoliyati xavfsizligi” ma'ruzalar matni to'plami. Т.:2009. 159-b.

19. Хусанова С., Назарова Н.Н. “Олий ўқув юртларида “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” фанини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш йўллари”/ “Фан, муҳофаза, хавфсизлик” Илмий амалий журнали 2 (3)-сон. Т.: 2019. 23-24 б.

20. Ходжакулов М.Н., Солиев И.И. “Из опыта подготовки специалистов по направлению безопасность жизнедеятельности”/ “Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар”. ІІ-республика ёш олимлар илмий-амалий анжумани



материаллар тўплами. Ўзбекистон республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси. Т.: 2020.57-60 б.

21. Активные и интерактивные методы обучения: Учебное пособие / Под ред. В.И.Гребенюкова. — Нижневартовск: Изд-во Нижневарт. гос. ун-та, 2014.

22. Панфилова А.П. Инновационные педагогические технологии: Активное обучение. Учеб. пособие для студ. вузов. — М.: Академия, 2009. — 192 с.

23. Использование электронных средств обучения с возможностями 3D-моделирования в курсе ОБЖ / Д.П. Чагин // Человек и образование. - № 3. - 2010. - С. 74-78.

24. Карпиевич Виктор Александрович, Кулик Андрей Николаевич, «Возможности использования интерактивных методов в комплексном подходе к обучению основам безопасности жизнедеятельности» Инновационные образовательные технологии. - 2015. - №2(42)

25. Корнеева Л.И. Современные интерактивные методы обучения: зарубежный опыт// Университетское управление - 2004.-№4.- С. 78-83.

26. Шипов А.К. Использование интерактивных методов обучения на занятиях ОБЖ

27. Таълимнинг интерфаол методлари <http://www.hozir.org/ozbekiston-respublikasi-xalq-talimi-vazirligi-ajiniyoz-nomidag-v5.html?page=10>

28. У.Йўлдошев ва бошқалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш. «Меҳнат», 2001. - 184 б.

29. Газета.уз/уз/2022/01/28/Мирзиёев. Ш.М.

30. Александрова О.Б., Дрожжин М.А., Моисейкин Д.А. Теория и практика как взаимосвязанные категории в освоении дисциплины «Безопасность жизнедеятельности» Проблемы современного педагогического образования. Сер.: Педагогика и психология. – Сборник научных трудов: - Ялта: РИО ГПА, 2019. – Вып. 65. – Ч.4. – С 13-16.

31. Современные педагогические технологии : учебное пособие для студентов-бакалавров, обучающихся по педагогическим направлениям и специальностям Автор-составитель: О.И. Мезенцева; под. ред. Е.В. Кузнецовой; Куйб. фил. Новосиб. гос. пед. ун-та. – Новосибирск: ООО «Немо Пресс», 2018. – 140 с.

31. Педагогик технология асослари (Халқ-таълими ходимлари учун ўқув қўлланма). Тузувчилар: Ж.В.Йўлдошев, С.А.Усмонов. www.ziyouz.com kutubxonasi 7-бет

32. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Конигил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 169-бет.

33. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Тошкент ахборот технологиялари университети. "Инновацион фаолият ва илфор педагогик



технологиялар" бўйича Ўқув қўлланма. Тузувчилар: Аҳмадалиев А.М. проф., Қосимов А.Х. 42-46 бетлар

34. Р.Ишмуҳамедов, М.Юлдошев Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар(таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма). Тошкент 2003 йил, 3-бет

35. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т. Ўзбекистон 1997 й

36. Гоипов Х.Е меҳнат муҳофазаси. Тошкент, "Мехнат", 2000 й.

37. Отаконов м. Қурилишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси. Тошкент, "Мехнат".

#### Интернет сайтлари:

38. <http://www.fvv.uz> (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги сайти).

39. <http://www.google.co.uz> (Маълумотлар излаш сайти).

40. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси).

41. <http://www.spasatel.by> (Беларусия Республикаси қуткаручилар сайти)

42. <http://www.Tafsilot.uz> (Янгиликлар сайти)

43. <http://www.uzreport.com> (Узрепорт ахборот агентлиги)

44. <http://www.wikipedia.org> (Wiki энциклопедия)

45. <http://www.ziyo.net> (Таълим портали)

46. <https://ulej.by> (Беларусия Республикаси лойиҳалар сайти )

47. <https://www.mchs.gov.by> (Беларусия Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги сайти)

48. <https://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти)

49. <https://kun.uz/56330406>.

50. <https://kun.uz/changelang/uz?...tag...зилзила>.

51. <https://alkankaroser.com.tr / karoser / alkansolution / ozel-amacli-mobil-projeler / 215234 10150168668829585 1826520 n-min/>